

SOHIBQIRON YULDUZI

ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабон журнал

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

академик Агмал Саидов
академик Анатолий Сагдуллаев
академик Дилором Юсупова
Сирожаiddин Саййид
проф. Абдурахим Эркаев
проф. Қаҳрамон Ражабов
проф. Юлдуз Эргашева
проф. Баҳодир Эшов
филол.ф.д. Нафис Шодмонов
Тўлқин Хайит
т.ф.д. Г.Мўминова
проф. Шокир Гаффоров
филол.ф.д. Хўжамурод Ўабборов
филол.ф.д. Дамин Тураев
т.ф.и.дон. Асрам Ҳасанов
т.ф.д. Раъно Тўхтасева
ф.и.и.дон. Саодат Мўминова

Бош муҳаррир:

Очил Бўриев

Масъул котиб:

Ашраб Норов

Нашр учун масъулар:

Рашид Тўхтамишев

Илҳом Тогаев

Саҳифаловчи:

Баҳодир Мусоев

МУАССИС:

SOHIBQIRON SHULASI M.CH.J.

Қашқадарё вилоят матбуот ва ахборот
бошқармасида 2012 йил 12 мартда

14 076 рақами билан рўйхатга олинган.

Журнал йилда 4 мартаба чоп этилади.

Журналдан кўчирма олинганда манба

қайд этилиши шарт.

Манавилия:

Қарши шахри, Мустанирлик шох кўчаси,

2 уй. Телефон: 91.466-80-32

Теринга 12.01.2023 йилда берилди.

Босишга 28.03.2023 йилда рухсат

этилди. 28.03.2023 йилда босилди.

Бичими 70x100 1/16. 10,0 босма табақ.

Адади 100 нусха. Буюртма №109

Журнал «Photo Express» ишлаб чиқариш

корхонаси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манавили:

Қарши шахри Мустанирлик шох кўчаси, 22 уй.

Электрон манавилия:

sohibqiron_jurnali@mail.ru

2023 йил №1 сон (52)



2023 йил «Инсонга эътибор ва
сифатли таълим йили»

Журнал таниқли шоир, маънавият
жонкуяри (марҳум) Исмоил Тўхтамишев
ташаббуси билан ташкил этилган.
2010 йилдан чоп этилади.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация
Комиссияси раёсатининг 2018 йил
29 декабрдаги 260/7-сонли қарори билан
«Тарих» фанлари бўйича илмий журналлар
рўйхатига киритилган.



Sherxon QORAEV, QO'QON XONLIGIDA ADABIY MAJLISLAR (Shoh va shoir Umarxon Amiriy she'riyat kechalari misolida).....	95
C.Ҳаққулов, O'ZBEKISTONDA ME'MORCHILIK VA SHAHARSOZLIKNING O'RGANILISH TARIXI.....	103
Ш.Хайитов, З.Буриев, ROSSIYA IMPERIYASINING KASPIYORTI VILOYATIGA AHOLINI KO'CHIRISH SIYOSATI SHARQSHUNOS D.N.LOGOFET TALQINIDA (XIX ASR OXIRI - XX ASR BOSHLARI).....	108
И.Бўриев, IBN SINO GNOSEOLOGIYASIDA OLAMNING ABADIYLIGI.....	113
G.Abilova, AXBOROT TEXNOLOGIYALARI ASRIDA VEBINARNING AHAMIYATI.....	119
O.Raxmonkulova, TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA XOTIN-QIZLAR UCHUN TA'SIS ETILGAN "ZULFIYA" NOMIDAGI DAVLAT MUKOFOTINING AHAMIYATI VA NATIJALARI (JANUBIY VILOYATLAR MISOLIDA).....	124
Я.Гаффоров, "O'ZBEKISTON VA MARKAZIY OSIYO MINTAQASI DAVLATLARINING O'ZARO HAMKORLIK VA HAMJIHATLIK YO'LLARI".....	129
B.Imamov, O'ZBEKISTON VA TURKIYA RESPUBLIKALARI O'RTASIDA MADANIYAT VA SAN'AT SOHALARIDAGI HAMKORLIK TARIXI (1991-2018 y).....	135
Ф.Исломов, KASHANDALIK, ALKOGOLIZM HAQIDA TUSHUNCHA VA ULARNING OLDINI OLISH CHORATADBIRLARI.....	141
N.Hazratov, QADIMGI KESH VILOYATINING AVESTO MALUMOTLARI BILAN QIYOSIY TAXLILI.....	145
Ф.МАЛЛАЕВА, QASHQADARYODA GAZ SANOATNI KIRIB KELISH TARIXI.....	150
Мафтуна Нарзиева, TURKISTON QISHLOQ XO'JALIK B.Saidusmonov, TOSHKENT VILOYATI TRANSPORT TIZIMI TARIXI	158
П.Норбўтаев, ETNOLOGIYA FANIDA FOLKLOR	

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТРАНСПОРТ ТИЗИМИ ТАРИХИ

Б.Саидусмонов,

Чирчиқ давлат педагогика университети ўқитувчиси

Калит сўзлар: Тошкент, транспорт, автобус, трамвай, траллейбус,

Тошкент – йирик саноат маркази, олий ўқув юртларига бой республика пойтахти Шаҳарда автобус, трамвай, траллейбус, такси мавжуд. Шаҳар транспорти тараққий этган. Бундан ташқари Тошкент шаҳарлараро йўловчилар ташиш маркази ҳамда Тошкент орқали Сирдарё, Фарғона водийси ва Тошкент областлари, Қозоғистон области билан транспорт иқтисодий алоқасини ҳам бажаради. Буларнинг ҳаммаси Тошкентда тарнспорт ҳаракатини прнг жуда кетишига сабаб бўлди. Бунинг устига кўчалар торлиги аҳволни оғирлаштириб қўйди. Шунинг учун Тошкент шаҳрида транспорт ҳаракатини енгиллаштириш зарур бўлди. Бу мақсад учун Тошкент атрофида айланма автомобил йўли 1960 йилда қурила бошланди. Айланма йўлнинг узунлиги 64 километр. Ҳозирги беш йилликда бу йўл қурилиши тугаланади [1].

Социалистик жамиятни моддий техник базасини вужудга келтириш ишида автомобил транспорти ва тош йўллар тараққиётининг хусусияти ўсиш суръатларининг

тезлашишига хизмат кўрсатишидадир. Масалан, республикада қаттиқ қобикли йўллар узунлиги 1940 йилдан то 1958 йилгача 4,7 минг километрдан 8,1 минг километргача пасайган бўлса, 7 йил ичида 6 минг километр янги йўл қурилди ва 1965 йилга келиб бундай йўллар узунлиги 14,1 минг километрга етди.

Йўл қурилишидаги асосий хусусият колхозлар, районлараро, район билан область марказларини ва темир йўл станциялари бирлштирувчи йўллар тубдан реконструкция қилиниб, уларни автомобил қатновини йўл бўйи таъминловчи йўлларга айлантириши.

1970 йилгача республика автомобил транспорти тош тйўллари янада тараққий этади. Йўл тармоқларини реконструкция қилишда ҳам катта ишлар қилинди. Қаттиқ қопламали йўллар 1979 йилга келиб. 770 минг км ни ташкил қилди. Бу 1960 йилга нисбатан 499 км кўп демакдир. Бу йўлларнинг 370,0 минг км такомиллаштирилган қопламали йўллардир. Кўпчилик автомобиль йўллари узоқ жойларда ва янги ўзлаштирилган райионларда қурилди. Урушдан кейинги йилларда мамлакатимиз автомобилсозлигида мавжуд бўлган муҳим камчиликларга барҳам бериш йўлида катта ишлар қилинди [2].

Катта Ўзбек тракти ва бошқа бир қанча республика ва вилоят аҳамиятидаги катта йўллар шағал йўлдан қорамойли шағал йўлига айлантирилди[3]. Угом дарёси

устидан 1960-1962 йилда кўприк қурилиб, бу кўприкнинг таянчлари реконструкция металл қувурларидан, балкалари иккитаврли балкалардан, ўтиш жойи ёғочдан қурилди. Чирчиқ ва Чинозда йўл қурилишига янгидан-янги маблағларнинг ажратилиши давлат ҳисобидан кўприклар, йўللар қурилиши ҳамда қайта таъмирлаш ишлари такомиллашиб боришига олиб келди.

Совет ҳокимияти йилларида йўл қурилиши учун ажратилган маблағларнинг 20 фоизи давлат ҳисобига, 21 фоизи Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармони бўйича ажратилган маблағ ҳисобига, автотранспортни ишлатишдан келадиган фойданинг 2 фоизи чегириб қолиш ҳисобига, колхозларнинг бўлинмас фондидан 29 фоиз, йўл қурилишига алоқадор бўлган вазирликлар ва бошқармалар ҳисобидан 30 фоизи тўғри келди[4]. Йўл қурилишида ички имкониятлардан унумли фойдаланиш натижасида Тошкент вилоятида йўлсизликни тугатиш ишлари анча яхшиланди.

Катта Ўзбек трактини қора-шағал йўлига айлантириш ишлари 1956 йилда бошланиб, 1966 йилда тугалланди. Олмалик, Оҳангарон йўли 1960 йилда, Сирдарё чегарасига бўлган йўللар 1964 йилда қора-шағал йўлига айлантирилди. Шу тариқа, Ўзбекистон халқ хўжалигида автотранспорт тармоқларининг ўрни ва аҳамияти ошиб борди. Транспортга хизмат кўрсатиш тармоқлари эса янги



имкониятларга эга бўлди[5]. Автомобиль транспорти билан халқ хўжалиги юкларини ташиш кескин кўпайди.

Сурхондарё вилоятида автомобил транспорти билан юк ташиш 1953 йил 2,1, 1958 йилда 8,1, 1960 йил 16,0, 1963 йилда 23,5 миллион тоннани ташкил этди[6].

Шуни таъкидлаш керакки, Совет ҳукумати Ўзбекистонда, жумладан, жанубий ҳудудларга йўл қурилиши учун зарур маблағларни ўз вақтида етказиб бермаганлиги туфайли 1966 йилда йўлсизликни тугатиш ниҳоясига етмади. Тоғолди ҳамда тоғли жойларда йўл қурилиши талаб даражасида бўлмади. Янги ўзлаштирилган ерларда пайдо бўлган аҳоли манзилгоҳларини йўл билан таъминлаш масаласига жиддий эътибор берилмади. Тошкент вилоятида йўлсизликни тугатиш ҳамда тоғли ҳудудлардаги аҳоли манзилгоҳларини қора-шағал қопламали бўлган автомобиль йўллар билан таъминлаш, йўловчи ва юк ташийдиган транспорт воситалари учун мустаҳкам таянчли йўл тармоқларини ҳосил қилиш масаласида жиддий лойиҳалар ишлаб чиқилмади.

Соҳада юзага келган хато ва камчиликларни бартараф этиш учун республика ҳукумати зарур бўлган барча чораларни кўрди. 1968 йилда вилоят йўл қурувчилари томонидан 101 км янги йўл қурилиб, 361 км йўл капитал ва ўрта даражада таъмирланди[7]. 1970 йилга келиб, Тошкент шаҳридаги Автомобиль йўллар бошқармасига бўйсунадиган, умумдавлат ва республика аҳамиятидаги

йўللارга хизмат қиладиган ва фойдаланадиган Денов ва Тошкент йўл фойдаланиш бўлимлари тузилди. Вилоят миқёсидаги йўллارга хизмат қилиш учун Чирчиқ шаҳридаги вилоят йўл қурилиши бошқармасига бўйсунадиган Олмалик ва Ангрен ДЭУ ташкил қилинди. 1970 йилдан вилоят туманларда йўл қурилиш муҳандислар бўлими ташкил қилинди[8].

Вилоятда автомобиль хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида янги йўللар қуриш, эски йўللарни таъмирлаш ва асфальтлаш, шунингдек, кўприклар қуриш ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Натижада, Тошкент вилоятида автомобиль йўллари қурилиши йилдан-йилга ошиб, мавжуд йўлларнинг сифати яхшиланиб борди.

Таъкидлаш жоизки, йўлларни янгидан қуриш, таъмирлаш, асфальт ётқизиш секинлик билан олиб борилиб, Марказга асосан иқтисодий томондан хизмат қиладиган ҳудудлар ҳисобга олинган эди. Тоғли, тоғ олди, дашт ҳудудларидаги аҳоли манзилгоҳларида йўл қурилиши ишларини амалга оширишда жиддий тўсиқлар мавжуд эди. 1975 йил Тошкентда мавжуд 2080 км йўлнинг 1894 км.га тош-шағал ётқизилган, қолган йўллар ташландиқ, чанг, лойдан иборат эди[9].

Шу йили вилоятда энг муҳим саноат корхоналари жамланган Чиноздаги ДСУ 5-йўл қурилиши бошқармаси, Тўйтепадаги ДСУ 46, Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон йўл

қурилиш бошқармасига бўйсунадиган Термиздаги МЭУ 219-кўприк қуриш бошқармаси фаолият кўрсата бошлади[10].

Мирзачўлда янги ерларни ўзлаштириш кенг миқёсда бошланиши туфайли автомобиль ва бошқа транспорт воситаларига талаб кучайди. Шунингдек, транспорт воситаларининг тезлиги ва юк кўтариш қувватининг кўтарилиши билан йўлларнинг кенглиги ва юк кўтариш зичлиги ҳам ошди. Ҳаракат қувватларининг ошиб бориши билан автомобиль йўлларининг анча жойлари катта зўриқиш билан ишлай бошлади. Янги йўл қурилиш тизимида шағал-қум ва қора битумларни аралаштириш йўли билан ҳосил қилинган қора қоплам бир кунда 1500–2000 автомобиль ўтишига мўлжалланган эди. Бу эски йўллар 1970-йилларга келиб давр талабига жавоб бера олмай қолди. Чунки 1970-йилларда мавжуд йўлларда кунига 3000 ва ундан ҳам кўпроқ автомобил қатнаётган эди. Бу йўлларнинг мустаҳкам, чидамли бўлиши учун шағал-қум қопламаси билан биргаликда, қора қопламали асфальтлашга ҳам эътибор кучайди, бунинг натижасида йўлларни фойдаланиш муддати узоқлашиб қайта-қайта таъмирлаш эҳтиёжи камайди[11].

Сурхондарё вилоятининг тоғли туманларида йўл қурилиши қийин шароитда олиб бориладиган, автомобиль йўлларини қуриш учун етарли маблағлар ажратилмаган эди. Вилоятда йўлчиларга узунлиги 15000 км бўлган автомобиль

йўллари хизмат қилар, ушбу йўللарни мунтазам таъмирлаш, фойдаланиш, қулай хизмат кўрсатиш тармоқларини вужудга келтириш учун 1980-йилларда етарли даражада маблағлар ажратилмаган эди[12]. Бундан ташқари, вилоятнинг тоғли ҳудудларида қиш, баҳор, куз ойларида тез-тез ёғадиган ёмғирлар туфайли сел келиб туради. Бунинг натижасида тоғдан сув тошқини йўлида учраган ҳамма нарсани оқизиб, йўллари, кўприкларни бузиб кетар, ҳар йилги сел оқибатларини тугатиш учун жуда катта пул ва хом ашё талаб қилиниши ҳам йўл қурилишидаги жиддий муаммолардан бири эди.

1970-йилларнинг бошларида вилоятда асфальт-бетон заводи йўқлиги туфайли йўл қурилиш ташкилотлари томонидан кўчма тош майдалаш қурилмаларидан фойдаланилар ва йўл қурилиши учун 40-50 минг куб метр тош тайёрланар эди. Қайд этилган масалаларнинг ечими жуда мураккаб бўлиб, йўл қурувчилардан катта куч талаб этиларди. Бунинг натижасида механизаторлардан, муҳандис-техник ходимлардан янги лойиҳаларни амалга ошириш, ихтиролар, таклифларни ишлаб чиқаришга жорий этишни талаб этар эди[13]. Совет ҳукумати томонидан Ўзбекистон жанубий ҳудудларига ушбу мураккаб масалаларни ҳал этиш учун моддий-техник жиҳатдан етарли даражада амалий ёрдам ташкил этилмади. Шундай қийин шароитда вилоят йўлчилари ички имкониятларни



ишга солиб, маҳаллий хом-ашё ҳисобидан янги йўллари қуриш ва таъмирлашга ҳаракат қилишди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Хўжаев С. “Ўзбекистонда автомобил транспорти”. Ўзбекистон ССР “Билим” жамияти. 1968.- Б.31.

2. Ходжаев Б.А. Автомобиль транспорти қитисоди. Дарслик.-Т.: Ўқитувчи. 1982. –Б.22

3. Тошкент вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 39-иш, 28-варақ.

4. Тошкент вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 34-иш, 27-варақ.

5. Тошкент вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 21-иш, 30-варақ.

6. Советский Узбекистан за 40 лет. Статистический сборник. – С.237.

7. Тошкент вилояти давлат архиви, 1-фонд, 3-рўйхат, 91-иш, 32-варақ.

8. Тошкент вилояти давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 54-иш, 39-варақ.

9. Народное хозяйство Узбекской ССР 1975. – Ташкент, 1976.– С.239.

10. Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет Советской власти. -Ташкент: Узбекистан, 1977. – С.165.

11. Тошкент вилояти давлат архиви, 70- фонд, 1-рўйхат, 18-иш, 21-варақ.